



ХУДУДИЙ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШДА ЮҚОРИДАН ПАСТГА ВА ПАСТДАН ЮҚОРИГА ЁНДАШУВЛАР: НАЗАРИЙ АСОСЛАР ВА АМАЛИЁТ

юримдик фанлар бўйича PhD доцент **Бекчанов Даврон**
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат
сиёсати ва бошқаруви академияси
ORCID: 0000-0002-1969-3674
davronmb@gmail.com

Аннотация. Мақолада ҳудудий иқтисодий ривожланишда юқоридан пастга ва пастдан юқорига ёндашувларнинг назарий асослари ҳамда уларнинг афзаллик ва камчиликлари таҳлил этилган. Халқаро тажрибалар (Жаҳон банки, ОЭСР, Европа Иттифоқи) ва Ўзбекистондаги ислохотлар мисолида икки ёндашувнинг уйғунлашуви кўрсатилган. Муаллиф ҳудудий ривожланишда номарказлаштириш, маҳаллий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ва жамоатчилик иштирокини таъминлаш орқали самарадорликни ошириш бўйича таклиф ва тавсияларни илгари суради.

Калит сўзлар: ҳудудий ривожланиш, юқоридан пастга ёндашув, пастдан юқорига ёндашув, маҳаллий ташаббуслар, номарказлаштириш, жамоатчилик иштироки.

РЕГИОНАЛЬНОЕ ЭКОНОМИЧЕСКОЕ РАЗВИТИЕ: ПОДХОДЫ СВЕРХУ ВНИЗ И СНИЗУ ВВЕРХ — ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ И ПРАКТИКА

PhD доцент **Бекчанов Даврон**
Академии государственной политики и управлени
при Президенте Республики Узбекистан

Аннотация. В статье анализируются теоретические основы и практические аспекты подходов «сверху вниз» и «снизу вверх» в региональном экономическом развитии, их преимущества и недостатки. На примере международной практики (Всемирный банк, ОЭСР, Европейский Союз) и реформ в Узбекистане показано взаимодействие данных подходов. Автор выдвигает предложения по повышению эффективности регионального развития через децентрализацию, поддержку местных инициатив и обеспечение участия общественности.

Ключевые слова: региональное развитие, подход сверху вниз, подход снизу вверх, местные инициативы, децентрализация, участие общественности.

**REGIONAL ECONOMIC DEVELOPMENT: TOP-DOWN AND BOTTOM-UP APPROACHES —
THEORETICAL FOUNDATIONS AND PRACTICE**

PhD Associate Professor **Bekchanov Davron**
Academy of Public policy and administration under
the President of the Republic of Uzbekistan

Abstract. *The article analyzes the theoretical foundations and practical aspects of top-down and bottom-up approaches in regional economic development, highlighting their advantages and disadvantages. Using international practices (World Bank, OECD, European Union) and reforms in Uzbekistan as examples, the paper demonstrates the interaction between these approaches. The author proposes measures to increase the efficiency of regional development through decentralization, support for local initiatives, and ensuring public participation.*

Keywords: *regional development, top-down approach, bottom-up approach, local initiatives, decentralization, public participation.*

Кириш.

Худудий иқтисодий ривожланишда юқоридан пастга ва пастдан юқорига ёндашувлар: назарий асослар ва амалият мавзуси ҳозирги кунда иқтисодий сиёсат ва бошқарув соҳасида энг долзарб йўналишлардан бири ҳисобланади. Глобаллашув жараёнлари, минтақавий рақобатнинг кучайиши ва маҳаллий ривожланишнинг барқарорлигини таъминлаш шароитида ҳудудларнинг иқтисодий тараққиётига таъсир этувчи омилларни самарали уйғунлаштириш зарур. Юқоридан пастга ёндашув давлатнинг стратегик мақсадлари ва ресурсларни марказлашган тарзда тақсимлаш имкониятини берса, пастдан юқорига ёндашув маҳаллий эҳтиёж ва ташаббусларнинг ривожланиш жараёнида фаол иштирокини таъминлайди. Илмий ва амалий таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мазкур икки ёндашувнинг уйғунлашуви ҳудудий ривожланиш самарадорлигини ошириш, жойлардаги иқтисодий имкониятларни тўлиқ ишга солиш ҳамда давлат ва жамоат ҳамкорлигини кучайтиришнинг энг мақбул йўли ҳисобланади.

Мавзунинг долзарблиги шундаки, ҳозирги глобал иқтисодий ўзгаришлар, минтақавий рақобат ва маҳаллий ривожланишда устувор йўналишларни белгилаш зарурати шароитида мазкур ёндашувларнинг афзаллик ва камчиликларини чуқур таҳлил қилиш ва уларни уйғунлаштириш Ўзбекистон учун муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади. Бу жараён ҳудудларнинг барқарор тараққиётини таъминлаш, маҳаллий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ва давлатнинг стратегик мақсадларига мос равишда ресурслар тақсимотини самарали ташкил этишда ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар шарҳи.

Худудий ривожланишда Armstrong ва Taylor (2000) каби иқтисодчи олимлар юқоридан пастга ёндашувни асосий восита сифатида кўришади. Уларга кўра, давлатнинг марказлашган режалаштириш сиёсатлари ҳудудлар ўртасидаги номутаносибликларни бартараф этиш ва ресурсларни қайта тақсимлашда самаралироқ. Аммо Pike, Rodríguez-Pose ва Tomaney (2006) бу қарашга қарши чиқиб, марказдан берилган “бир хил рецепт”лар маҳаллий шароитларни эътибордан четда қолдиришини таъкидлайдилар.

Stöhr ва Taylor (1981) эса “қуйидан тараққиёт” назариясини илгари суриб, пастдан юқорига ёндашувни адолатли ва барқарор ривожланишнинг кафолати сифатида баҳолайдилар. Бироқ Markusen ва Schrock (2006) бу нуқтаи назарни тўлиқ қўллаб-қувватламайди. Уларнинг фикрича, маҳаллий ривожланиш тажрибаларида “энг яхши

амалиётларни кўр-кўрона кўчириш” ҳолатлари кўп учраётгани ва бу илмий умумлашмалар чиқаришни қийинлаштириши мумкин.

James Scott (1998) ўзининг *Seeing Like a State* асарида юқоридан пастга ёндашувнинг камчиликларига эътибор қаратиб, маҳаллий “митис” — амалий билим ва тажриба аҳамиятини кўрсатади. Бу фикрни Robert Chambers (1983) ҳам қўллаб-қувватлаб, қишлоқ жамоалари иштирокисиз тайёрланган ривожланиш стратегиялари кўпинча самарасиз бўлишини таъкидлайди.

Michael Porter (1990) ўзининг кластер назариясида пастдан юқорига ёндашувни асослаб, маҳаллий бизнес ташаббуслари ва тармоқлараро ҳамкорлик иқтисодий ўсишда ҳал қилувчи омил эканини кўрсатади. Бироқ Nadvi ва Schmitz (1994) айрим давлатларда сунъий ташкил этилган кластерлар маҳаллий хусусий сектор иштирокисиз кутилган натижани бермаганини таъкидлайдилар.

Шунингдек, Европа олимлари — Fabrizio Barca (2009) ва Andrés Rodríguez-Pose (2018) – “жойга асосланган ёндашув” (place-based approach) концепциясини илгари суриб, самарали ривожланиш сиёсатлари учун юқоридан берилган ресурслар ва қўйдан келаётган ташаббусларни уйғунлаштириш зарурлигини таъкидлайдилар.

Тадқиқот методологияси.

Ушбу тадқиқотда аралаш усул (mixed-methods) қўлланилди: а) ҳужжатли таҳлил орқали Ўзбекистондаги норматив-ҳуқуқий база (Lex.uz) ва халқаро институтлар ҳисоботлари (Жаҳон банки, ОЭСР, ЕИ) мазмунан кодланди; б) тенденциялар ва ёндашувлар бўйича таққослама таҳлил (comparative analysis) асосида Япония, Жанубий Корея, Италия ва Испаниянинг ҳудудий ривожланиш амалиёти Ўзбекистон тажрибаси билан қиёслаб ўрганилди; в) илмий манбалар синтези учун Scopus, Web of Science ва Science Direct базаларида “top-down”, “bottom-up”, “place-based policy”, “local economic development/LED” каби калит сўзлар билан 2010–2025 йй. оралиғидаги ривожланиш иқтисодиётига оид мақолалар танлаб, тематик контент-таҳлил ва матритсавий мувофиқлаштириш орқали ғоялар гуруҳланди; (г) меъёрий-институционал баҳолаш доирасида ресурслар тақсимооти, иштирокчилик, масъулият ва ҳисобдорлик индикаторлари бўйича критерийлар тузилди ва ҳар бир мамлакат кейсига татбиқ этилди. Ишончлилик ва ҳаққонийликни ошириш мақсадида манбалар триангуляцияси амалга оширилди, чеклов сифатида эса иккиламчи маълумотларга таяниш ва мамлакатлар кесимида сиёсий-маъмурий контекст фарқлари қайд этилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Ҳудудий иқтисодий ривожланиш стратегияларини белгилашда икки қарама-қарши ёндашув – юқоридан пастга ва пастдан юқорига ёндашувлар – мавжуд бўлиб, улар кўп ҳолларда тараққиёт моделининг муқаррар икки муқобили сифатида таърифланади (Crescenzi, Rodríguez-Pose, 2011). Юқоридан пастга ёндашув марказлашган тарзда давлат ёки юқори турувчи ташкилотлар томонидан қабул қилинган қарорларни ҳудудларга тўғридан-тўғри татбиқ этишга асосланади. Бундай стратегиялар мустаҳкам макро- ва микроиқтисоддаги иқтисодий назарияларга асосланса-да, амалиётда кўп ҳолларда маҳаллий шароитларни ҳисобга олишда етарлича мослашувчанликка эга эмас ва шу боис “ҳудудий хусусиятларга мослашмаслик” муаммоси юзага келади. Пастдан юқорига ёндашув эса аксинча, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос эҳтиёж ва имкониятларидан келиб чиқиб, маҳаллий ташаббусларга таянади; шу боис у турли ҳудудий талабларга сезгирроқ ҳисобланади. Бироқ, бу ёндашув амалиётида узоқ вақт аниқ назарий доирага эга бўлмай, кўпроқ тажриба ва эҳтимолий “мувофақиятларга” суяниб келингани таъкидланади (Crescenzi, Rodríguez-Pose, 2011).

Глобаллашув жараёнлари ва иқтисодий маконнинг қайта шаклланиши шароитида, анъанавий юқоридан пастга қараб бошқариладиган ҳудудий сиёсатнинг самарадорлиги

тобора шубҳа остига қўйилмоқда. Масалан, жаҳон иқтисодиётининг тез глобаллашуви ва тармоқлар бўйича қайта жойлашуви натижасида марказий режали устуворликлар ҳудудлардаги янги иқтисодий чақириқларга тез ва мувофиқ чора кўришга қодир эмаслиги маълум бўлди (бу ҳолатни Пайк ва ҳаммуаллифлар кузатганлар) (Crescenzi, Rodríguez-Pose, 2011). Шунинг учун охириги ўн йилликларда маҳаллий хусусият ва эҳтиёжларга таянадиган, пастдан юқорига йўналтирилган ривожланиш сиёсати алоҳида аҳамият касб эта бошлади.

Янги чақириқларга самарали жавоб бериш мақсадида ҳудудлардаги манфаатдор гуруҳларни қарор қабул қилиш жараёнига жалб этиш ҳамда уларга тегишли ваколатларни бериш ва масъулиятларни юклаш зарурияти юзага келди. Ҳақиқатан ҳам, маҳаллий иштирокчиларни рағбатлантириб, уларни ўз ҳудудларининг иқтисодий муаммоларига жавоб топиш жараёнининг бевосита иштирокчисига айлантириш орқали пастдан юқорига ёндашув анъанавий усулларга муқобил ечим сифатида қаралмоқда. Кўплаб ривожланган ва ривожланаётган давлатларда маҳаллий иқтисодий ривожланиш (Local Economic Development, LED) дастурлари айнан шу тамойилга асосланган ҳолда жорий этилган бўлиб, уларнинг муваффақиятга эришиш омиллари ҳамда самарадорлик шартларини таҳлил қилиш масаласи илмий тадқиқотларнинг диққат марказига айланди.

Шу билан бирга, пастдан юқорига ёндашувларнинг назарий асослари ҳақида илмий баҳс-мунозаралар мавжуд. Масалан, Маркузен ва Шрок (2006) каби тадқиқотчилар маҳаллий ривожланиш тажрибаларида “энг яхши амалиётларни кўр-кўрона кўчириш” ҳолатлари кузатилаётганини танқид қилиб, бундай индуктив ёндашув умумий илмий ҳулосалар чиқариш ҳамда турли сиёсатлар ўртасидаги уйғунликни таъминлашни қийинлаштиришини таъкидлаган. Демак, юқоридан пастга ва пастдан юқорига ёндашувлар ўртасидаги тафовутларни илмий жиҳатдан таҳлил қилиш ва уларни уйғунлаштириш зарурати мавжуд.

Ушбу тадқиқотнинг мақсади – ҳудудий иқтисодий ривожланишда юқоридан пастга ва пастдан юқорига ёндашувларнинг назарий асослари ҳамда турли мамлакатлар тажрибасини таҳлил қилиш орқали уларнинг афзаллик ва камчиликларини очиб бериш ва Ўзбекистон шароитида, айниқса туман ва шаҳар даражасида пастдан юқорига ёндашувни самарали жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқишдан иборат. Тадқиқот жараёнида Scopus, Web of Science ва ScienceDirect каби халқаро маълумотлар базаларида эътироф этилган олимлар қарашлари таҳлил қилинди, шунингдек маҳаллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва расмий манбалар (Lex.uz)дан фойдаланилди.

Юқоридан пастга ёндашув (top-down) ҳудудий ривожланиш сиёсатида марказий ҳокимият ёки юқори даражадаги бошқарув институтлари томонидан ишлаб чиқилган қарор ва дастурлар пастки ҳудудий бошқарув органларига йўналтирилиб, улар томонидан ижро этилишини назарда тутлади. Бу ёндашув назарий жиҳатдан кейнсиан ва неокейнсиан иқтисодий тамойилларга асосланиб, ҳудудлар ўртасидаги номутаносибликларни камайтиришга қаратилган давлат интервенцияси ғоялари билан узвий боғлиқдир. Масалан, Армстронг ва Тейлор каби иқтисодчи-олимларнинг таърифига кўра, юқоридан пастга ёндашувининг мақсади “капитал ва меҳнат ресурсларини ўз-ўзидан танланмаган, лекин стратегик зарур деб ҳисобланган ҳудудларга йўналтириш”дан иборатдир. Яъни, марказлашган сиёсат орқали одатда инвестиция киритилмайдиган ёки иқтисодий жиҳатдан ортда қолаётган ҳудудларга зарур ресурслар оқимини таъминлаш кўзда тутилади.

Юқоридан пастга ёндашувнинг тарихий ривожланишида индустриал жамият даврида шаклланган тартибли режалаштириш амалиёти муҳим ўрин эгаллайди. Классик мисол сифатида 1950–1960-йилларда қатор мамлакатларда миллий иқтисодиётни режали асосда модернизация қилиш дастурлари келтирилиши мумкин. Жумладан, Жанубий Кореянинг беш йиллик режалари ва Хиндистоннинг марказлашган

режалаштириш тажрибаси шулар жумласидандир. Бундай дастурлар марказда ишлаб чиқилиб, тармоқлар ва ҳудудлар бўйича аниқ топшириқлар шаклида **юқоридан пастга** берилади. Афзал жиҳати шундаки, ресурсларни сафарбар этиш ва йирик инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида давлатнинг уюшқоқлиги ва мувофиқлаштирувчи роли юқори бўлади. Хусусан, йирик санитария, транспорт ва энергетика инфраструктураси объектларини қуриш, махсус иқтисодий зоналарни барпо этиш ёки давлат корхоналари тармоғини ривожлантириш каби ишлар юқоридан пастга бошқарув орқали самарали бажарилиши мумкин. Масалан, Хитойда махсус иқтисодий зоналар (МИЗ) ташкил этиш ташаббуслари тўлиқ давлатнинг “юқори”дан берилган қарори билан амалга оширилган ва қисқа муддатларда ҳаётга жорий этилган. Бу **“top-down”** ёндашувига хос усул бўлиб, Хитойнинг Шэньчжэн, Шанхай, Пудун каби улкан МИЗларининг фаолиятини ташкил этишда ўзини оқлаган, зеро бу лойиҳаларни фақат марказий ҳокимиятнинг кучли иродаси орқали ҳудудда жадал амалга ошириш имкони бўлган.

Шу билан бирга, юқоридан пастга ёндашувнинг камчилик томонлари ҳам назария ва амалиётда қайд этилган. Энг аввало, бундай ёндашув **бирхиллаштирувчи** (универсал) сиёсат юритишга мойил бўлиб, барча ҳудудларга бир хил “рецепт” қўллаш хавфи бор. Натижада, маҳаллий шарт-шароит ва эҳтиёжлардаги фарқлар инobatга олинмай қолиши мумкин. Олимларнинг таъкидлашича, марказдан туриб ишлаб чиқилган стратегиялар одатда “ўртача” ҳудуд моделига таянгани сабабли, реал ҳаётдаги хилма-хилликни тўлиқ акс эттира олмайди. Ричард Болдуин каби тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, бундай ёндашувда марказ ва ҳудудлар ўртасида ресурслар тақсимоотидаги номутаносиблик сақланиб қолади. Чунки марказ қарор қабул қилиш жараёнида маҳаллий маълумот ва инновацион ғоялар етарлича инobatга олинмайди. Шунингдек, юқоридан берилган кўрсатмаларни ҳудудларда бажаришда қаттиқ бюрократик усуллар қўлланилиши жамоатчиликнинг иштироки ва қўллаб-қувватлашини сусайтириши мумкин. Масалан, Европа Иттифоқида 20-аср охиригача амал қилган коҳезия (ижтимоий-иқтисодий уйғунлик) сиёсатига танқидий ёндашувлардан бири шундан иборат эдики, бу сиёсатда кўпроқ юқоридан белгиланган субсидиялар механизми устувор бўлиб, жойлардаги воқелик ва маҳаллий ташаббуслар етарлича инobatга олинмаган эди (OECD, 2018). Кейинчалик, айнан шунинг учун ЕИда “жойларга асосланган ёндашув” (place-based approach) тамойиллари жорий этилди.

Юқоридан пастга ёндашув доирасида ҳудудий ривожланишнинг асосий драйверлари сифатида давлат инвестициялари, солиқ имтиёзлари ҳамда тартибга солишга оид чора-тадбирлар хизмат қилади. Давлат юқори даражадаги стратегик нуқтаи назардан қайси ҳудуд ва қайси тармоқни устувор тарзда қўллаб-қувватлаш зарурлигини белгилайди. Масалан, маълум бир депрессив минтақага йирик корхона ёки муассаса жойлаштириш орқали у ерда иш ўринлари яратилади ва иқтисодий фаоллик оширилади, деб қаралади. Шу ўринда “пастга сизниб тушиш” эффекти (trickle-down effect) тушунчаси муҳим назарий қараш сифатида қўлланилиб, унга кўра марказдан ажратилган ресурс ва сармоялар вақт ўтиши билан аҳоли фаровонлигига босқичма-босқич “суялиб етиб боради” деб ҳисобланган. Бироқ, кўплаб тадқиқотлар бундай автоматик таъсир доимо ишламаганини кўрсатди ва баъзи ҳудудлар марказнинг мунтазам ёрдамига қараб қолиши мумкинлигини таъкидлади.

Пастдан юқорига ёндашув (bottom-up) – ҳудудларни ривожлантириш жараёнида ташаббус ва қарор қабул қилиш ваколатларини маҳаллий даражага бериш, маҳаллий жамоаларнинг фаол иштирокини таъминлаш тамойилидир. Бу ёндашув 20-асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ривожланиш назариясида *“қуйидан тараққиёт”* ғояси сифатида шаклланди (Стоҳр ва Тейлор, 1981). Мазкур концепцияга мувофиқ, ривожланишнинг барқарор ва адолатли бўлиши учун ташаббусларни маҳаллий даражадан бошлаб қўллаб-қувватлаш зарур, шу тариқа ҳар бир ҳудуд ўзининг ички

салоҳиятини ишга солиб, миллий тараққиётга ҳисса қўшади. Пастдан юқорига ёндашувнинг асосида, аввало, инсон капитали ва жамоавий иштирокка таяниш принципи ётади. Олимлар Стохр ва Тейлор (1981) таъбири билан айтганда, “қуйидан тараққиёт модели кўпроқ даромаднинг адолатли тақсимланишига эътибор қаратади, аҳолининг асосий эҳтиёжларини қондиришни мақсад қилади” (Healey, 2003). Шу билан бирга, бундай ёндашувда маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари ва жамоат тузилмалари ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Пастдан юқорига ёндашувнинг амалий намунаси сифатида дунёнинг кўплаб мамлакатларида қўлланилган **маҳаллий иқтисодий ривожланиш (МИР) дастурлари**ни келтириш мумкин. Уларнинг асосий моҳияти – ҳар бир ҳудудни унинг ўзига хос имконият ва муаммоларидан келиб чиққан ҳолда ривожлантириш режаларини ишлаб чиқишдир. Масалан, Британияда ва АҚШда 1980-йиллардан бошлаб маҳаллий ҳокимият ва жамоат ҳамкорлигида ишлаб чиқилган шаҳарни қайта тиклаш (urban renewal) дастурлари пастдан юқорига ёндашувининг муваффақиятли мисоллари бўлди. Уларда маҳаллий тадбиркорлар, ННТлар, фуқаролар кенгашлари иштирок этиб, ўз шаҳар ёки туманлари учун стратегик режаларни тайёрлашда бош-қош бўлган. Натижада, режалар маҳаллий эҳтиёжларга мос тушган ва ижро этаётганлар томонидан “ўзлаштирилган” (ego feeling) бўлгани сабабли, амалга ошириш жараёнида юксак самарадорликка эришилган (Görlich, Gollub, 2023).

Пастдан юқорига ёндашувнинг муҳим назарий асосларидан бири – бу **митис (metis)**, яъни маҳаллий амалий билим ва тажрибанинг аҳамиятига урғу берувчи ғоя (Жеймс Скотт, 1998). Скоттнинг тадқиқотида кўра, марказлашган режалар маҳаллий “митис” – нозик, контекстуал билимни эътибордан четда қолдириши туфайли кўпинча муваффақиятсизликка учрайди. Демак, маҳаллий аҳоли ва фуқаролар ўз жойининг шароитларини, муаммоларини ва ечимларини марказдагиларга нисбатан яхшироқ билади, шу сабабли қарор қабул қилишга уларни жалб этиш ривожланиш сиёсатларининг самарадорлигини оширади. Масалан, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш лойиҳаларида деҳқон ва фермерлар иштирок этганда, уларнинг маҳаллий билим ва тажрибаси ҳисобга олиниб, лойиҳанинг таъсири юқори бўлиши кузатилган. Роберт Чемберс (1983) каби мутафаккирлар бунини “фуқароларни кучлантириш” (empowerment) ва “қуйидан овоз бериш” назариялари орқали асослаб берганлар.

Пастдан юқорига ёндашув амалиётининг яна бир муҳим тарафи – бу **кластерлар ва инновацион экотизимлар**ни қўллаб-қувватлашдир. Илмий адабиётда Майкл Портер (1990) ва бошқалар кластер концепциясини илгари сурганларида, аслида, аниқ ҳудудларда пайдо бўлаётган хусусий ташаббуслар ва тармоқлараро кооперацияни назарда тутишган. Кластер — маълум ҳудудда ўзаро боғлиқ корхона ва ташкилотлар консентрацияси бўлиб, у кўп ҳолларда “органик” тарзда, яъни бозорнинг табиий кучлари таъсирида шаклланади. Бундай кластерларнинг шаклланиш жараёнида давлатнинг асосий вазифаси хавфсиз ва барқарор институционал муҳит яратиш, иштирокчилар ўртасида самарали мулоқот ҳамда ҳамкорликка шарт-шароитни таъминлашдан иборат бўлиши лозим, деб ҳисобланади. Бу эса давлатнинг тўғридан-тўғри аралашувисиз, фақат қўллаб-қувватловчи ва мувофиқлаштирувчи ролини намоён этувчи ҳолис пастдан юқорига ёндашув сифатида талқин қилинади. Лекин амалиётда кўп давлатлар кластерларни сунъий йўл билан ташкил этишга уринган (масалан, махсус кластер дастурлари орқали). Агар бунда маҳаллий бизнес ва ташаббускорлар фаол иштирок этмаса, бундай “юқоридан” уринишлар кутилган натижани бермаслиги мумкин. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, кластерларни ривожлантиришнинг энг самарали усули — маҳаллий тадбиркорлик ва инновация ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳамда улар ўртасида ўзаро ҳамкорликни таъминлашдан иборатдир. (Надви ва Холл, 1998). Шу боис, халқаро экспертлар Ўзбекистон каби мамлакатларда саноат

кластерлари сиёсати ҳукуматнинг тўғридан-тўғри ташаббуслари орқали эмас, балки маҳаллий хусусий секторнинг ички эҳтиёж ва манфаатларидан келиб чиққан ташаббуслари асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ, деб тавсия этмоқдалар (Babadjanov, J., Petrick, M. (2025)).

Пастдан юқорига ёндашувнинг афзалликлари сифатида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин: (1) **Жамоатчилик қабул қилиш даражасининг юқорилиги** — маҳаллий аҳоли ва манфаатдор иштирокчилар қарор қабул қилиш жараёнида бевосита қатнашгани учун улар бундай лойиҳа ва сиёсатларни “ўзлариники” деб билиб, кўпроқ қўллаб-қувватлайдилар. Буни қайта тикланувчи энергия лойиҳалари бўйича Ирландияда ўтказилган сўров натижалари ҳам тасдиқлади: маҳаллий жамоа томонидан тайёрланган (пастдан юқорига) режа давлат ташаббуси билан берилган (юқоридан пастга) режага нисбатан аҳоли орасида анча қизғинроқ қўллаб-қувватлангани аниқланган (Görlich, Gollub, 2023). (2) **Тарқоқ ресурс ва ғояларни сафарбар этиш** — ҳар бир ҳудудда истиқомат қилувчи аҳоли ва бизнес вакилларида мавжуд бўлган турли ғоя ва ташаббусларни бир бутун тарзда уйғунлаштириб, уларни ҳудудий ривожланиш мақсадларига йўналтириш мумкин. Масалан, Италия ва Испаниянинг айрим ҳудудларида “ижтимоий капитал”ни сафарбар этиш орқали кичик бизнесларнинг кооперацияси ташкил қилинган, бу эса ҳудудий инновацияга олиб келган (Путнам, 1993 назарияси). (3) **Маҳаллий шарт-шароитларга мослашувчанлик** — қарорлар жойининг аниқ эҳтиёжларига таянилгани учун улар самаралироқ татбиқ этилади. Масалан, агар муайян туманда асосий муаммо ичимлик суви танқислиги бўлса, маҳаллий даражада бюджет маблағларини айнан шу муаммони ҳал қилишга йўналтириш мумкин. Бу эса марказдан кўрсатма келишини кутиб ўтирмасдан, тезкор чора кўриш имконини беради.

Шу билан бирга, пастдан юқорига ёндашувни самарали амалга ошириш учун муайян институционал чора-тадбирлар ва тегишли шарт-шароитларни шакллантириш зарур. Энг аввало, маҳаллий даражада етарли салоҳият ва институтсионал қобилият бўлиши керак. Агар маҳаллий бошқарув органлари заиф ёки масъулиятсиз бўлса, қуйи даражада қабул қилинган қарорлар кутилган самарани бермаслиги мумкин. Масалан, айрим давлатларда маҳаллий кенгаш ва ҳокимиятлар ваколатлари кенгайтирилгандан сўнг, уларда малака ва ресурс танқислиги туфайли бюджет маблағларидан самарасиз ёки нотўғри фойдаланиш ҳоллари кузатилган (Umarov, 2021). Шунинг учун пастдан юқорига ёндашувни жорий этишда маҳаллий ҳокимият органларининг институционал салоҳиятини ошириш, кадрларни ўқитиш муҳим аҳамиятга эга. Яна бир шарт – марказ ва маҳаллий органларни ўртасидаги самарали **вертикал ҳамкорлик** механизми. Яъни, маҳаллий ташаббуслар миллий стратегик мақсадлар билан уйғунлашиши, ўзаро зиддиятга киришиб қолмаслиги зарур. ОЭСР тадқиқотларида қайд этилишича, самарали ҳудудий ривожланиш учун марказий ҳукумат билан маҳаллий ҳокимиятлар ўртасида ваколатларни мувофиқ тақсимлаш ва ҳамкорлик шартини тўғри белгилаш жуда муҳим – бунда юқоридан белгиланадиган қоидалар ва қуйидан келадиган ташаббуслар ўзаро мутаносиб бўлиши лозим.

Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, мутлақо марказлашган ёки тўлиқ маҳаллий даражада амалга ошириладиган ҳудудларни иқтисодий ривожлантириш сиёсати деярли учрамайди. Аксарият ҳолларда бу ёндашувлар аралаш шаклда қўлланилиб, бир-бирини тўлдириб боради. Масалан, Жанубий Кореяда 1970-йилларда амалга оширилган “Семаул ундо” дастури қишлоқларни ободонлаштиришга қаратилган эди. Унинг доирасида марказий ҳукумат умумий йўналиш ва молиявий ресурсларни белгилаб берган бўлса, ҳар бир қишлоқда маҳаллий аҳоли ўзи қайси иншоотни қуриш ёки қайси ташаббусни амалга оширишни овоз бериш орқали ҳал этган. Натижада, дастур ижросида ҳам юқоридан раҳбарлик, ҳам қуйидан фаоллик намоён бўлгани унинг катта муваффақиятига сабаб бўлди, деб баҳоланади. Шу каби коллаборатив (ҳамкорлик)

модел Европада ҳам кенг тарқалган бўлиб, Евро Иттифоқнинг жойлашувга асосланган сиёсати марказий фондлар тақсимотини маҳаллий стратегияларнинг мавжудлигига боғлаб қўйди. Яъни, аграр ёки инфратузилмага доир грант олиш учун маҳаллий даражада ишлаб чиқилган ривожланиш дастури бўлиши талаб этилди. Бу ҳам юқоридан пастга воситалар ва қуйидан юқорига режалар уйғунлашувига мисолдир.

Жамоатчиликнинг қарор қабул қилишдаги иштироки масаласида ҳам кўплаб мамлакатларда аралаш механизмлар кучаймоқда. Масалан, Ўзбекистон шароитида охириги йилларда жорий этилган “Очиқ бюджет” («Иштирокчи бюджет») ташаббусини олайлик. Унда туман ва шаҳарларда аҳоли ўзлари маҳаллий бюджет маблағларининг бир қисмини қандай лойиҳаларга сарфлаш юзасидан таклиф бериб, овоз бериш орқали қарор қабул қилишда иштирок этади. 2025 йилнинг ўзида мазкур жараён доирасида мамлакат бўйича фуқаролар томонидан 22 мингдан ортиқ лойиҳа таклифлари киритилиб, улардан 18,6 мингтаси бўйича овоз бериш босқичига ўтди (Umarov, 2025). Бу каби пастдан юқорига механизмлар маҳаллий муаммоларни аниқлаш ва ечишда аҳолининг бевосита иштирокини таъминлаб, қарорларнинг ижросига аҳолини жалб этади. Лекин шу билан бирга, бу жараёнда марказдан белгиланадиган қоидалар (масалан, саралаш мезонлари) адолатли ва аниқ бўлиши лозим.

Юқорида баён қилинган натижалардан хулоса қилиш мумкинки, ҳудудий иқтисодий ривожланиш сиёсати самарали бўлиши учун юқоридан пастга ва пастдан юқорига ёндашувларнинг ўзаро мувофиқлигига эришиш зарур. Марказий ҳокимият ўзининг стратегик қараши ва ресурслари билан йўналтирувчи вазифани бажаради, аммо маҳаллий даражада ташаббус ва инновация учун кенг имкониятлар яратилиши зарур.

Юқорида келтирилган таҳлилий натижалар асосида кўриниб турибдики, ҳудудий ривожланишда юқоридан пастга ва пастдан юқорига ёндашувлар бир-бирига қарама-қарши эмас, аксинча тўлдирувчи хусусиятга эга. Илмий адабиётларда ҳам сўнгги йилларда уларни муросага келтириш ғояси илгари сурилмоқда. Масалан, Крещенци ва Родригес-Посе ўз тадқиқотларида мазкур икки ёндашувни бирлаштирувчи “мезо-даражадаги” концептуал асос зарурлигини таъкидлайдилар (Crescenzi, Rodriguez-Pose, 2011). Уларнинг фикрича, маҳаллий (индуктив) ва умумий (дедуктив) ёндашувлар уйғунлашган таҳлил воситалари орқали турли даражадаги сиёсатларни мувофиқлаштириш мумкин – бунда маҳаллий ривожланишга доир пастдан юқорига ташаббуслар учун ҳам тўғрилаштирувчи назарий асос яратилади, ҳам марказдан қўлланувчи турли сиёсатлар ўртасида мувофиқликка эришилади. Бу ғоя амалиётда “ақилли марказлашув” (*smart decentralization*) ёки “кўп даражали бошқарув” (*multi-level governance*) тамойиллари сифатида намоён бўлмоқда.

Халқаро олимларнинг ёндашувларини танқидий солиштирганда, турли фарқли нуқтаи назарлар намоён бўлади. Масалан, 1980-йилларда Стўхр ва Тейлор каби тадқиқотчилар ривожланишнинг “қуйидан” моделини илгари суриб, уни адолат ва барқарорликка эришишнинг кафолати сифатида баҳоладилар ҳамда шу асосда марказлашган ёндашувни танқид қилдилар (Bhalla, 1982). Улар давридаги марказлашган давлат сиёсати, айниқса ривожланаётган мамлакатларда, асосан иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига эришишни мақсад қилиб, ижтимоий адолат масаласини кўп ҳолларда четга суриб қўярди. Шу боис “илк ривожланишни қаердан бошлаш керак – марказданми ёки маҳаллий даражаданми?” деган фундаментал савол ўртага чиққан. Кейинчалик эса, 1990–2000-йиллардаги глобал тенденциялар (демократизация, децентрализация ва бошқалар) таъсирида дунёнинг кўплаб мамлакатлари пастдан юқорига ёндашув элементларини ўз сиёсатларига тадбиқ эта бошладилар. Бироқ, Маркузен ва Шрок (2006) таъкидлаганидек, пастдан ёндашувни татбиқ этишда шошма-шошарлик ва нусха кўчириш каби хатоларга йўл қўйилди – маҳаллий ривожланиш дастурлари чуқур таҳлил ва концепциясиз, содда “энг яхши

тажрибани кўчириш"га асосланиб қолди. Натижада айрим "мода"га айланган лойиҳалар (масалан, технопарклар, инкубаторлар) қўллаб-қувватлаб шаҳарларда жорий этилди, лекин ҳар доим ҳам кутилган самарани бермади. Бу танқид маълум маънода пастдан юқорига ёндашувнинг ўзига хос хавфини кўрсатади – яъни ҳар бир маҳаллий ташаббус ортида пухта асосланган стратегия бўлиши лозим, шундагина у муваффақиятга эришади.

Юқоридан пастга ёндашув тарафдорлари эса сўнгги пайтларда ўз позицияларини қайта кўриб чиқмоқда. Макроиктисодчилар энди маҳаллий хусусиятларни инобатга олмасдан туриб умумий сиёсат юритиш самара бермаслигини тан олмоқда. Жумладан, Жаҳон банкининг 2009 йилдаги "Иқтисодий географияни қайта шакллантириш" маърузасида юқорида таъкидланган "бир хил ёндашув" (spatially-blind policy) ғояси қўллаб-қувватланган. Бироқ кейинги илмий баҳсларда Европа олимлари, хусусан Фабрицио Барка ва Андрес Родригес-Посе кабилар, ушбу ёндашувни танқид қилиб, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларига мослашувчан сиёсат – "жойга асосланган ёндашув"ни тарғиб этдилар. Бугунги кунда минтақавий сиёсатда ҳар икки ёндашувни уйғунлаштирувчи гибрид моделлар устувор ҳисобланмоқда. Хусусан, ОЭСРнинг 2018 йилги таҳлилий ҳисоботи ҳулосаларида таъкидланишича, ҳукуматлар ҳудудларни ривожланиш сиёсати инструментларини юқоридан пастга ва пастдан юқорига ёндашувларнинг уйғунлигини таъминлаган ҳолда қўлламоқдалар. Масалан, миллий ёки халқаро бирлашма даражасидаги (ЕИ каби) нуқтаи назардан асосий савол шундаки: ҳудудий даражадаги ҳокимиятларга ажратиладиган трансфертлар қандай тақсимланса, маҳаллий хусусият ва эҳтиёжлар инобатга олинган ҳолда самарадорлик максимал даражага етади? (OECD, 2018). Демак, юқори босқичда ҳам пастки даражани "эшитиш"га ўтиш тенденцияси бор.

Эндиликда, мазкур умумий тамойилларни Ўзбекистон шароитида қўллаш имкониятларига тўхталсак. Маълумки, Ўзбекистонда давлат ҳокимияти тизими асосан нисбатан марказлашган шаклга эга бўлиб, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари юқори давлат ҳокимияти томонидан тегишли халқ депутатлари кенгаши розилиги билан тайинланади. Узоқ йиллар давомида ҳудудий иқтисодий ривожланиш асосан юқоридан пастга режали тарзда бошқариб келинди – масалан, ҳар йили тасдиқланувчи Давлат инвестиция дастурлари ва тармоқ дастурлари орқали туман ва шаҳарларда қайси лойиҳалар амалга оширилиши марказда белгиланар эди. Маҳаллий бошқарув органлари эса бу топшириқларни ижро этувчи ролини бажариб келди. Бундай тизим маълум бир даражада тартиб-интизом ва стратегияда ягоналик берган бўлса-да, унинг камчилиги сифатида маҳаллий эҳтиёж ва ташаббусларнинг назардан четда қолиши кўрсатиб ўтилган. Айниқса, 2016 йилгача бўлган даврда маҳаллий даражада жамоатчиликнинг қарорларга таъсир кўрсатиши учун институционал механизмлар деярли мавжуд эмас эди.

2017 йилда қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси ва кейинги административ ислохотлар доирасида Ўзбекистонда маълум даражада **номарказлаштириш** жараёни бошланди. Масалан, 2017 йил июнида маҳаллий бюджетларни шакллантириш ваколатларини кенгайтириш бўйича Президент фармони ва қарорлар қабул қилиниб, дастлаб Тошкент шаҳри ва туманларида тажриба сифатида ҳокимиятга қўшимча молиявий мустақиллик берилди. Хусусан, муайян турдаги солиқ ва йиғимлар тўлиқ ёки қисман маҳаллий бюджетда қолдирилиб, ҳокимликларга уларни ўз эҳтиёжларига сарфлаш бўйича ваколатлар берилди. Кейинчалик 2018 йил охирида бу тажриба республика бўйлаб бошқа ҳудудларга ҳам тарқатилди – жисмоний шахслар даромад солиғи, қўшилган қиймат солиғининг бир қисми ва айрим акциз солиқларининг ҳудудда қолиши таъминланди. Бундан кўзланган асосий мақсад – маҳаллий бошқарув органларини ўз даромад манбалари билан таъминлаш ва шу орқали уларнинг ҳудудий ривожланиш учун масъулиятини ошириш эди. Шу билан бирга, экспертлар таъкидлаганидек, маҳаллий бюджет даромадлари ошиши билан бир вақтда улардан

самарали фойдаланиш устидан жамоатчилик назорати механизмларини жорий этиш зарур эди. Акс ҳолда, қўшимча маблағлар фақат маҳаллий идораларнинг ички эҳтиёжларига йўналтирилиб кетиши хавфи мавжуд эди. Демак, бевосита молиявий номарказлаштиришнинг ўзи етарли бўлмай, маҳаллий даражадаги манфаатдор томонларини масъулиятини ошириш ва шаффофликни ҳам таъминланиши лозим.

Хулоса ва таклифлар.

Юқоридаги мулоҳазаларни хулосалайдиган бўлсак, Ўзбекистон шароитида ҳудудий иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш учун қуйидаги таклиф ва тавсияларни илгари сурамиз:

1. **Маҳаллий бошқарувнинг институционал асосларини мустаҳкамлаш.** Туман ва шаҳар ҳокимларини Кенгашларда сайлаш тизимини жорий этиш. Бунда Кенгашга ҳоким лавозими учун энг камида депутатлик гуруҳига эга бўлган сиёсий партиялар сонига мутаносиб равишда номзодлар кўрсатилиши лозим. Шу билан бирга, маҳаллий Кенгашлар ролини кучайтириб, уларга ҳокимларни вазифадан озод этиш ҳуқуқини бериш зарур. Шунингдек, маҳаллий Кенгаш депутатлари сонини оптималлаштириш ва уларнинг фаолиятини доимий асосда ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Бу чоралар маҳаллий ҳокимиятнинг жамоатчилик олдидаги масъулияти ва ҳисобдорлигини кучайтиради.

2. **Молиявий номарказлаштиришни чуқурлаштириш:** Маҳаллий бюджет даромад манбаларини кенгайтириш мақсадида айрим солиқ турларининг белгиланган қисмини маҳаллий бюджетда қолдириш зарур. Жумладан, кўчмас мулк солиғининг камида 30 фоизи, қўшилган қиймат солиғининг 20 фоизи ва фойда солиғининг 20 фоизи туман ва шаҳар бюджетларида қолиши таъминланиши мақсадга мувофиқ. Бу орқали маҳаллий ҳокимият органлари ўзининг молиявий мустақиллигига эга бўлиб, ҳудудий ривожланиш учун масъулияти ошади.

3. **Маҳаллий ҳокимиятлар томонидан қарор қабул қилишда фуқаролар иштирокини таъминлаш:** Ҳар бир туман ва шаҳарда муҳим инвестиция ёки инфратузилма лойиҳаларини режалаштиришдан олдин жамоатчилик эшитувлари ўтказилишини мажбурий тартибда ҳуқуқий жиҳатдан белгилаш зарур. Масалан, шаҳар бош режасини янгилаш, йирик корхонани жойлаштириш, экологик аҳамиятга эга объект қуриш каби масалаларда маҳаллий аҳоли ва фуқаролик жамияти вакилларининг фикри олинishi шарт этиб қўйилиши даркор. Бу пастдан юқорига ёндашувнинг ҳуқуқий кафолати бўлади.

4. **Маҳаллий ҳокимият органлари ҳодимларининг салоҳиятини ошириш (Capacity building):** Туман ва шаҳар ҳокимликлари ходимлари учун стратегик режалаштириш, лойиҳа бошқаруви, жамоат билан алоқалар соҳасида доимий ўқув курсларини доимий равишда ташкил этиб бориш лозим. Маҳаллий даражада юқори малакали кадрлар бўлса, улар ташаббус кўрсатиши ва уни амалга ошириш инструментларини билади. Шу мақсадда, маҳаллий иқтисодий ривожланиш жамоат тузилмаларини тузиш ва уларга хусусий сектор, банклар, таълим муассасаларидан вакилларни жалб этиш мумкин.

5. **Ҳудудий ривожланиш стратегияларини қуйидан шакллантириш:** Ҳар бир туман ва шаҳарнинг ўз ўрта муддатли ривожланиш дастури бўлиши лозим ва у пастдан юқорига принципи асосида тайёрланиши керак. Яъни, дастур лойиҳаси аввал маҳаллаларда муҳокама этилиб, кейин халқ депутатлари Кенгашида тасдиқлансин. Бунда юқори турувчи ташкилотлар фақат умумий методология ва мувофиқликни текширади, мазмунини эса ҳудуднинг ўзи белгилайди. Масалан, аграр туман ўз дастурига қишлоқ хўжалиги қўшимча қиймат занжирларини ривожлантиришни асосий вазифа қилиб қўйиши, саноатли шаҳар эса саноатни модернизация ва инновацияларга етилиб боришни мақсад қилиб қўйиши мумкин.

6. Маҳаллий ташаббусларни рағбатлантириш тизимини яратиш: Худудларда инновацион лойиҳаларни молиялаш учун махсус фондлар ташкил қилиш таклифи ўринли. Масалан, ҳар бир вилоятда “Ташаббуслар жамғармаси” тузилиб, у маҳаллий тадбиркорик, ННТ ёки фуқаролар гуруҳларининг ҳудуд ривожига иштирок этадиган лойиҳаларини танлов асосида грант билан қўллаб-қувватлайди. Бу эса жойларда янги ғояларни чиқишига хизмат қилади. Бундай амалиёт Жанубий Корея, Япония каби мамлакатларда бор – уларда марказий ҳукумат махсус субсидиялар орқали маҳаллий инновацион лойиҳаларни рағбатлантиради.

Юқоридагиларни умулштириб, хулоса қиладиган бўлсак, юқоридан пастга ва пастдан юқорига ёндашувлар мувозанати минтақа ва ҳудудларни барқарор ривожлантириш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ўзбекистонда ҳокимиятни номарказлаштириш бўйича бошланган қадамлар ижобий самара бераётганини кўриш мумкин, бироқ бу жараёни изчил давом эттириш ва чуқурлаштириш зарур. Хусусан, туман ва шаҳар даражасида аҳолининг эҳтиёжларини аниқлайдиган ва уларнинг ғоя ҳамда имкониятларини ривожланишга йўналтира оладиган маҳаллий тизим яратиш зарур. Бир сўз билан айтганда, “юқоридан” берилган стратегия ва ресурслар “пастдан” келувчи фаоллик ва инновациялар билан учрашадиган майдон ташкил этилса, ҳудудий иқтисодий ривожланиш суръатлари ва сифати ошиб, умуммиллий тараққиётга хизмат қилади.

Адабиётлар/Литература/References:

- Allain-Dupré, D. (2020). *The Multi-level Governance Imperative*. OECD (working paper/report). (PDF).
- Ann Markusen & Greg Schrock (2006) *datasets/analyses cited in presentations and policy reports (e.g., NEA; Arts, Innovation and Regional Development)*. (Slides/PPT).
- Armstrong, H. W., Taylor, J. (2000). *Regional Economics and Policy* (3rd ed.). Oxford: Blackwell.
- Babadjanov, J., Petrick, M. (2025) *Uzbekistan's cotton clusters in the context of the industrial policy debate // Eurasian Geography and Economics*. – Vol. 66, No. 3. – P. 354–383. – DOI: 10.1080/15387216.2023.2267093.
- Baldwin, R. (2016). *The Great Convergence: Information Technology and the New Globalization*. Cambridge, MA: Harvard University Press. openbudget.uz
- Barca, F. (2009). *An Agenda for a Reformed Cohesion Policy: A Place-Based Approach to Meeting European Union Challenges and Expectations*. Independent Report to Commissioner Danuta Hübner. Brussels: European Commission. (PDF).
- Bhalla, G.S. (1982) *Review of: Stöhr, W. B., Taylor, D. R. F. Development from Above or Below? The Dialectics of Regional Planning in Developing Countries*. – *Urban Studies*. Vol. 19, No. 4. – P. 430–432.
- Chambers, R. *Rural (1983) Development: Putting the Last First*. – London : Longman, – 246 p.
- Crescenzi, R., Rodriguez-Pose, A. (2011) *Reconciling Top-Down and Bottom-Up Development Policies // Environment and Planning A*. Vol. 43, No. 4. – P. 773–780.
- European Commission / DG REGIO (Background & commentary on place-based policy and the Barca Report). *Various summaries and technical papers*.
- Görlich, J., Gollub, C. (2023) *To achieve a supportive energy collective: psychological ownership and perception of place in developing community renewable energy projects in the Global South // Energy Research & Social Science*. Vol. 96.
- Government of the Republic of Uzbekistan (2025). *Participatory Budgeting: Project Submission and Voting Results (news release, May 2025)*. Tashkent: gov.uz. O'zbekiston Respublikasi Hukumat portal

- Healey, S. (2003) *The Case for "Development from Below"* [Электрон ресурс] // *Student Essays on Post-Autistic Economics*. – April.
- Markusen, A. & Schrock, G. (2006). 'The distinctive city: Divergent patterns in growth, hierarchy and specialization', *Urban Studies*, 43(8), pp.1301–1323.
- Markusen, A., Schrock, G. (2006a). *The Artistic Dividend: Urban Artistic Specialization and Economic Development Implications*. *Urban Studies*, 43(10), 1661–1686.
- Nadvi, K., Hall, P. (1998) *Industrial Clusters and Local Economic Development: Experience from Developing Countries*. – London : Frank Cass, – 310 p.
- Nadvi, K., Schmitz, H. (1994). *Industrial Clusters in Less Developed Countries: Review of Experiences and Research Agenda*. IDS Discussion Paper No. 339. Brighton: Institute of Development Studies.
- National Endowment for the Arts (2010). *Creative Placemaking* (Markusen & Gadwa report; cites Markusen & Schrock, 2006). Washington, DC: NEA.
- OECD (2018) *Rethinking Regional Development Policy-making*. – Paris : OECD Publishing, - 150 p. (OECD Multi-level Governance Studies). – ISBN 978-92-64-29300-7 (print), ISBN 978-92-64-29301-4
- OECD (2019). *OECD Regional Outlook 2019: Leveraging Megatrends for Cities and Rural Areas*. Paris: OECD Publishing. (PDF).
- OECD (2022). *Regional Governance in OECD Countries*. Paris: OECD Publishing.
- OECD. (2018) *Rethinking Regional Development Policy-making*. – Paris : OECD Publishing, - 150 p. – (OECD Multi-level Governance Studies). – ISBN 978-92-64-29300-7 (print), ISBN 978-92-64-29301-4.
- Pike, A., Rodríguez-Pose, A. & Tomaney, J. (2006). *Local and Regional Development*. London: Routledge.
- Porter, M.E. (1990) *The Competitive Advantage of Nations*. – New York : Free Press, -855 p.
- Putnam, R. D., Leonardi, R., Nanetti, R. Y. (1993). *Making Democracy Work: Civic Traditions in Modern Italy*. Princeton: Princeton University Press.
- Rodríguez-Pose, A. (2018). 'The revenge of the places that don't matter (and what to do about it)', *Cambridge Journal of Regions, Economy and Society*, 11(1), pp.189–209.
- Schmitz, H., Nadvi, K. (1999). *Clustering and Industrialisation: Introduction*. *World Development*, 27(9), 1503–1514.
- Scott, J. C. (1998) *Seeing Like a State: How Certain Schemes to Improve the Human Condition Have Failed*. – New Haven ; London : Yale University Press, 1998. – 445 p.
- Stöhr, W. B. & Taylor, D. R. F. (1981). *Development from Above or Below? The Dialectics of Regional Planning in Developing Countries*. Chichester: Wiley.
- Umarov, A. (2021) *Modern Policy of Decentralization of Public Administration in Uzbekistan* [Электрон ресурс] // *Central Asian Bureau for Analytical Reporting (CABAR)*. – 22.01.2021.
- Umarov, A. (2025) *The "Open Budget" Process, Where Citizens Can Vote, Has Begun* [Электрон ресурс] // *Zamin.uz*. – 22.08.2025.
- World Bank (2009). *World Development Report 2009: Reshaping Economic Geography*. Washington, DC: World Bank. (PDF).